50 (496)
2005 йил 14 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Ғарб сиёсатдонлари жазавада. Нега?
▶ Назорат жамоат билан

3
▶ Маслаҳатчи масъулиятининг меъёри
▶ "Шоҳнома"га ошно домламиз..."

4
▶ "Ушидарна" — шарқий кенглик...
▶ Ота "ҳисобидан" чиққан тўнғич қиз

Қашқадарё вилояти

ТАЖРИБА МАЪҚУЛЛАНДИ

ибратли ишлар давом этади

Қарши шаҳрида бундан уч-тўрт ой илгари яхши ташаббус бошланганди. Вилоят ҳокими шаҳардаги бир қатор маҳаллалар билан танишиб, бу соҳада махсус гуруҳлар тузиш лозимлиги, улар халқ фикри, турмуши, истак ва эътирозлари, шунингдек, ечимини кутаётган муаммолар билан муфассал танишиб, маҳаллалар ишини шу кун талаблари асосида ташкил этиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида таклифлар киритсинлар, деган масалани ўртага қўйиб, зарур топшириқлар берди.

Натижада шаҳардаги 62 та маҳаллани ўз ичига олган 9 та гуруҳ ташкил этилиб, уларга барча вилоят, шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари жалб этилди.

Гуруҳлар маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, ҳомий ташкилотлар томонидан олиб борилган ишлар ва энг муҳими, аҳолини қийнаётган, уларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни синчиклаб ўргандилар. Энг қувончлиси, йўл қўйилган хато ва камчиликлар қайд этилибгина қолмасдан, бир вақтнинг ўзида уларни бартараф этиш борасида ҳам арзигулик ишлар амалга оширилди. Кўрилган чораларнинг самараси ўлароқ ўнлаб кўчалар ёритилиб, асфальт ётқизилди, хонадонлар газлаштирилди, ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Энг муҳими, маҳаллалар тўла компьютерлаштирилиб, шаҳар ҳокимиятидаги компьютер марказига уланди. Бу маҳаллалардаги аҳвол ва содир бўладиган кундалик воқеалар билан бир неча дақиқалар ичида танишиш ҳамда фурсатни бой бермасдан аниқ мақсадга йўналтирилган чоралар қўллаш имконини берди. Дарвоқе, айни пайтда маҳаллалардаги ана шу компьютерларни бошқариш учун Қарши давлат университетидаги махсус курсларда ўқитилган операторлар жалб қилинган.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейди?
— Ер ўз эгаси қўлига ўтса, ҳосил мўл бўлади, — дейди.

Фарғона вилояти

Ёзёвон туманидаги фуқаролар йиғинлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уни йўлга қўйишга дадил киришдилар.

ФЕРМЕР ВА МАҲАЛЛА

2002-2003 йилларда туманимизда 12 та ширкат хўжаликлари бўлиб, улар зарар кўриб ишларди, рентабиллиги паст ва истиқболсиз эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорига асосан ушбу ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида танлов асосида 1014 та фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Лекин очиқ айтиш керакки, бу фермер хўжаликлари тезда ривожланиб кетмади. Туманда дастлабки йилларда қишлоқ хўжалигининг баъзи соҳасида йиллик режа бажарилмади. Худди шундай аҳвол вилоятнинг бошқа туманларида ташкил қилинган фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Шундан сўнг вилоят ҳокимининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ва туман ҳокимининг махсус қарори билан ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофазалашни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш, сувдан ўғитдан тўғри фойдаланишни ташкил этишда амалий ёрдам бериш мақсадида қонун доирасида ҳудудда деҳқон ва фермер хўжаликларига шартнома асосида хизмат кўрсатувчи биттадан ҳосилот ва ер тузувчи мутахассиси штати ташкил қилинди. Ушбу мутахассислар ҳудуддаги фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда ҳамда парвариш қилишда илмий асосланган агротехника қоидалари бўйича кўрсатма ва маслаҳатлар бериб бориши қайд этилди. Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинида фермерларга қарашли ерларни ҳайдаш, экиш ва экинларни парвариш қилишда, ҳосилни йиғиштириб олишда амалий ёрдам берувчи муқобил машина-трактор парклари ҳам ташкил қилинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бундай иш ташкил қилишлари тезда ўз самарасини кўрсатди. Туманда 2005 йил учун режалар барча йўналишлар бўйича мувафаққиятли бажарилди. Бу айниқса туман иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалигида яққол кўзга ташланди. Бунда фуқаролар йиғинлари фаолиятининг бевосита ҳиссаси бўлди.

Туман ғаллакорлари 27 минг 947 тонна дон тайёрлаб, йиллик режани 107,6 фоизга бажардилар. Пахта тайёрлаш бўйича йиллик режа вилоят туманлари орасида биринчи бўлиб бажарилди.

Сабзавот, полиз, мева-узум ва чорва маҳсулотлари етиштириш ҳам ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ортди.

Хўжавали Мукаррамов раислик қилаётган Хонобод, Алижон Ғаниев раислик қилаётган Ёзёвон, Абдулазиз Меражалилов, Мамадали Шерматовлар раислик қилаётган Гулистон, Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги фермер хўжаликлари эришган муваффақиятлар анча салмоқли бўлди. Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 66 та фермер хўжаликларининг ҳаммаси дон ва пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режаларини ортиғи билан адо этдилар. Анваржон Икромов, Ҳусанбой Деҳқоновлар раҳбарлик қилган фермер хўжаликларида ҳам ҳосил баракали бўлди.

Туманимиздаги фермер хўжаликлари айни кунларда келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун тайёргарлик ишларини ҳам қизғин олиб бормоқдалар. Туман бўйича 2006 йилда экин экиладиган майдонлар сифатли шудгорлаб қўйилди. Ғаллазорларни дастлабки ўғитлаш, суғориш, четларига тўсиқлар ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. Пахта етиштириладиган майдонларнинг шўрини ювиш, ариқзовурларни таъмирлаш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ишларда асосан тумандаги 1 та шаҳарча, 10 та қишлоқ ва 22 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўмаги ҳам асқотмоқда. Тўғри, шу ўринда йиғин раисларининг маҳалла бошчиси сифатида юмушлари кенг кўламли, серқирра бўлса, устига-устак унинг зиммасига ҳудуддаги фермер хўжаликлари фаолиятида иштирок этиш юкланса, бу раислар учун ортиқча захмат эмасми, деган фикр туғилиши ҳам эҳтимол. Фермерлар муваффақияти йиғинлар ҳудудидаги аҳоли турмушига маълум даражада фаровонлик келтирмоқда, ишсизлик муаммоси ечим топмоқда. Бундан маҳалладошлар манфаат кўраётган эканлар, демак, йиғин раислари учун фермерлар фаолиятида иштирок этиш ортиқча захмат бўлмайди. Қолаверса, айни кунда йиғин раисларини транспорт воситаси билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга фермер хўжаликлари ёрдамида ечим излаш имконияти туғилмоқда.

Ҳайдарали МАМАЖОНОВ,
Ёзёвон тумани Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Қорақалпоғистон Республикаси



КЕНЕГЕС ТЕРАКЛАРИ

Бугун "Фермерлик" сўзи моҳиятини "ернинг тилини билиш", "меҳнатда суяги қотган" деган иборалар билангина ифодалаб бўлмайди. Бундай сифатлар қаторидан ишбилармонлик, куюнчаклик ва масъулият тушунчалари ҳам жой олса, шундагина биз ҳосилдор заминимиз тақдири ишончли қўлларга топширилганига амин бўламиз.

Хўжайлилик фермер Худойберган Сапаковда ҳам ана шундай сифатлар мужассам. У бундан 6 йил аввал туман ҳудудида "Орзу" фермер хўжалигини ташкил этганди. Айни пайтда хўжалик пахта ва ғалла етиштириш бўйича туманда пешқадам. Хусусан, жорий йилда Худойберган ака 21 гектар ерда пахта, 5 гектар майдонда ғалла етиштириб, ҳосилни сотиш бўйича шартнома режасини ошиғи билан уддалади. Шунингдек, ғайратли фермер Кенегес фуқаролар йиғини ҳудудида уч минг туп терак ва юз туп мевали дарахт кўчатлари экилишида ҳам ташаббускор бўлди.

СУРАТДА: *фермер Х.Сапаков,*
Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Андижон вилояти

Бор бўлсин, ҳомийлар!

ҲИММАТЛИ НЕФТЧИЛАР

Мамлакатимизда мактаблар ишини ривожлантириш давлат дастурининг бажарилишига барча меҳнат жамоалари ўз ҳомийлик ёрдамини кўрсатмоқдалар. Жалақудуқ туманидаги "Гуручмозор" нефть маҳсулотлари унитар корхонаси жамоаси ҳам тумандаги мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилашга амалий ёрдам кўрсатди.

— Ёнгинамизда жойлашган умумтаълим мактаби давлат маблағи ҳисобига капитал таъмирдан чиқарилди, — дейди корхона директори Ойбек Маҳсумов. — Корхонамиздаги ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари таълим олаётган бу мактаб атрофидаги эски деворлар ўрнига темир-бетон плиталар ўрнатиб, дарвоза қуриб бердик.

Шунингдек, ушбу корхона тумандаги 3-ўрта мактабнинг қозонхонасини ҳам таъмирдан чиқариб, шаҳардаги иккита богча ва ўрта мактабнинг таъмирлаш ва газлаштириш ишларига яқиндан ёрдам берди ҳамда кўзи ожизлар корхонасининг қайта ишга тушиши учун ўз қурилиш материаллари ва маблағи билан ёрдам кўрсатди. Бу ишларни амалга оширишда корхонанинг Асадулло Мадаминов бошлиқ қурувчилари самарали меҳнат қилишди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

КЕСКЕНТЕРАКЛИК САХОВАТПЕШАЛАР

улардан маҳалла аҳли мамнун

Кескентерак маҳалласи Навбаҳор туманидаги энг ибратли маҳаллалардан. Маҳалла марказида ташкил этилган Кўрғон гузарида кутубхона, чойхона, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, ҳаммом ва ўнлаб дўконлар мавжуд.

Маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган 20 нафар фермер ва 14 нафар тадбиркорлар маҳалла ободончилигига ўз ҳиссаларини қўшибгина қолмай, балки эҳтиёжманд ва ногирон кимсаларга яқиндан ёрдам бериб келаяпти.

Масалан, "Авесто" фирмаси раҳбари Искандар Муҳаммадиев ва "Янгиобод", "Буғанбой" фермер хўжаликлари раислари Абдиаҳад Тоғаев, Бобоназар Рўзимуродовлар маҳалладаги ана шундай кишиларга 150 килограммдан буғдой ҳадя этишди. "Руслан —Жаҳонгир" фермер хўжалиги раиси Маҳмуд Аҳмедов эса кам таъминланган оилаларга уйларини таъмирлашлари учун 1 миллион сўм маблағ сарфлади.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ШУКРКИМ, ҲАМДАРДИМ КЎП...

Инсон ҳаётда турли синовларга дуч келар экан. Мен ҳам ҳаётим давомида бошимдан кечирган машаққатларни тақдирнинг синовларига йўяман. Минг шукрки, орамизда яхши инсонлар кўп. Ҳукуматимиз, Юртбошимиз ҳам муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиб келмоқда.

Менинг оилам кам таъминланган. Шу боис, баъзида кундалик эҳтиёжимиз, фарзандларимнинг ёб-ичиши, кийиниши, таълим-тарбияси учун иқтисодий қўллаб-қувватлашга, яхши-ёмон кунларда таскин берувчи суянчга муҳтож бўлиб қоламан. Яхшиямки, юртимизда маҳаллалар бор экан. Улар биздек эҳтиёжманд инсонларнинг ғамхўри. Мен ва фарзандларим яшайдиган С.Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Шоира Тўлаганова ҳамиша ҳолимиздан хабардор бўлиб туради. Зарур бўлганда озиқ-овқат ва пул билан таъминлайди.

Яқинда ногирон қизим Луизани мураккаб жарроҳлик операциясига ётқиздик. Мени маҳаллам яна бир бор қўллади. Фуқаролар йиғини раиси ҳамда бошқа ходимлари менга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий кўмак бердилар. Тўғриси, бошимга оғир кунлар тушган дамларда юртимизда ана шундай меҳрибон ва саховатпеша инсонлар кўплигидан қувониб кетаман. Ўз навбатида маҳалламиз раисаси Ш.Тўлаганова ва йиғиннинг барча ходимларига, маҳалладошларимга катта миннатдорчилик билдираман.

Гулсина ҲУСНУДИНОВА

Фарғона вилояти

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ТУҲФА

Ногиронлар куни арафасида Фарғона шаҳридаги "Мурувват уйи" болалари янги бинога кўчиб ўтишди. Уч қаватли бино 200 га яқин ногирон болалар ва уларга хизмат кўрсатувчи 120 нафар тиббиёт ходимлари, энага ҳамда тарбиячилар ихтиёрига берилди.

"Мурувват уйи" жамоаси янги бино очилишида бошқош бўлган ҳомийлардан ниҳоятда мамнун эканликларини айтишди. "Ўзсаламан" қўшма корхонаси раҳбарияти болаларга ширинлик ҳамда 40 дона юмшоқ болиш совға қилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими эса янги диван ва креслолар ҳадя этди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Қорасув шаҳридаги "Саноат комбинати" масъулияти чекланган жамиятининг Москва шаҳрида савдо уйи очилди. Москвалик шериклар бунинг учун барча ҳужжатлар тайёрланиб, рўйхатдан ўтказиб қўйилганлигини маълум қилишди.

ҚОРАСУВ — РОССИЯ БОЗОРИГА

— Биз бундай имкониятга, — дейди жамият раиси Фозилжон Ўринбоев, — Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий пахтани қайта ишлаш дастгоҳлари ўрнатилгач, яъни янги цех ишга туширилгандан кейин эга бўлдик. Чунки аввалги ускуналаримиз анча эскириб, чиқаётган маҳсулотларимиз сифати ёмонлашиб қолган эди. Келгусида Иркутск шаҳрида ҳам ана шундай савдо уйи очишни режалаштириб турибмиз.

Аҳоли тиғиз бўлган жойда фаолият кўрсатаётган бу жамоада шу кунда 130 нафар ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Фарғона водийси вилоятларига юборилар эди. Мана энди Россия билан ўрнатилган алоқалар туфайли истеъмолчилар доираси кенгаядиган бўлди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Сирдарё вилояти

АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Ширин шаҳридаги спорт мажмуида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Аёллар спартакиадаси» ўтказилди. Унда икки юзга яқин хотин-қиз иштирок этди. Улар спортнинг волейбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, стол теннниси, арқон тортиш, қўл тўпи каби турлари бўйича куч синашди.

Қизғин беллашувлар натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида Гулистон шаҳри спортчилари биринчи ўринга сазовор бўлди. Гулистон ва Сирдарё тумани вакилалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Шунингдек, Сирдарё тумани спортчилари «Энг аҳил жамоа», Янгиер шаҳри вакиллари «Энг чаққон жамоа» номинациялари бўйича ғолиб, деб топилди. Сирдарё шаҳридан Лариса Попова «Энг чаққон спортчи», гулистонлик Татьяна Хван эса «Энг ёши улуғ спортчи» йўналишида муваффақиятга эришди.

«Аёллар спартакиадаси»нинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Обуна — 2006

Тошкент вилояти

МАҲАЛЛА ЖАМОАТНИКИ, "Mahalla" ҲАМ...

Маҳалла иши изланувчанликни, ташаббускорликни ва ҳамиша ўқиб-ўрганишни талаб этади. Шу боис айни пайтда мазкур тизим нашри бўлган "Mahalla" газетасининг муштарийлари сони асосан фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаоллари ҳисобига кўпайиб бораётгани бор ҳақиқат.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 1454 та фуқаролар йиғинлари ходимлари орасида ҳам "Mahalla"нинг муштарийлари кўп. Буни вилоятда газетага уюштирилаётган обуна кўрсаткичидан ҳам билиш мумкин. Энг эътиборлиси, бошқа соҳа вакиллари ва кенг жамоатчилик орасида ҳам ушбу газетани севиб ўқиётганлар кўп учрамоқда. Шу сабабли фуқаролар йиғинлари мутасаддилари маҳаллалар фаолиятини аҳоли орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш чораларини кўрмоқдалар.

Масалан, вилоятнинг Ангрен шаҳрида 52 та, Олмалиқ шаҳрида 41 та фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаётган бўлса, шу кунга қадар ҳар икки туманда ҳам "Mahalla" газетасига 143 тадан обуна уюштирилди. Янгийўл шаҳрида эса 12 та фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, газетага обуна миқдори 70 тани ташкил этаяпти. Бу келгуси йилда ҳар бир йиғинга ўртача 6 нусхадан "Mahalla" етиб боришини таъминлайди. Шунингдек, бундай ижобий натижани Бекобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Янгийўл, Тошкент, Зангиота ва Қибрай туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда газетага обуна жараёни ҳали давом этади. Зеро, маҳалла умум иши экан, демак, "Mahalla" газетаси ҳам нафақат тизим ходимларининг, балки барча маҳаллалар аҳлининг севимли нашрига айланмоғи керак.

Х.РУСТАМОВА,
"Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мутахассиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! 2006 йил УЧУН ОБУНА МАВСУМИ ТУГАЙ ДЕБ ҚОЛДИ. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БУЮК БРИТАНИЯДАГИ ФАЛОКАТ

Буюк Британияда йирик фалокат юз берди. Лондон яқинида жойлашган Хемел-Хемпстед шаҳарчасидаги «Бансфилд» ёнилғи омборида кетма-кет 3 марта портлаш юз берди ва ёнғин чиқди. РАТАТАСС хабарларига қараганда, ушбу воқеа оқибатида 43 киши турли даражада жароҳат олган. Қурбонлар тўғрисида эса маълумотлар йўқ.

«Бансфилд» Буюк Британиядаги энг катта ёнилғи омборларидан. Унинг терминалларида мамлакатдаги нефть захирасининг 5 фоизи сақланади.

Портлаш натижасида мазкур иншоотнинг деярли ярми вайрон бўлди, ҳар бирида 13,5 миллион литр ёнилғи бўлган 20 резервуар олов ичида қолди. Таъкидланишича, алангани баландлиги 65 метрга етган.

«Бансфилд»га яқин ҳудудларда етмишга яқин мактаб ёпиб қўйилди. Аҳоли хавфсиз ерларга кўчирилди. Автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтатилди. Лондоннинг Хитроу халқаро аэропортидаги парвозлар ҳам орқага сурилди. Чунки, ҳавони қалин тутун қоплаган.

Айни вақтда содир бўлган фожиа юзасидан тергов ва текширув ишлари бошланди. Полиция вакилларининг фикрича, портлаш ва ёнғин техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганидан келиб чиққан.

Мутахассислар «Бансфилд»даги портлашни Европа тарихидаги энг улкан фалокат деб ҳисобламоқда. 1998 йилда Шимолий денгизда Буюк Британиянинг «Пайпер Алфа» компаниясига қарашли нефть платформасида ҳам шундай фожиа рўй берган, оқибатда 167 киши ҳалок бўлган эди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЖАЗАВА

Воқелик ва тафсилот

Ғарбнинг навбатдаги жазавасига сабаб Россия қонунчилигида назарда тутилган ўзгартиришлар бўлди

Ҳозирги кунда Ғарб олами раҳбарлари хатти-ҳаракатида, қарашларида шундай бир кайфият пайдо бўлганки, уни соғлом ақл билан ҳазм қилиш қийин. Уларни тушуниш, аниқроғи, уларга ҳамфикр бўлиш учун инсон руҳан носоғлом ёки улар оғриган "касал"га мубтало бўлган бўлиши керак. Масалан, қайсидир мамлакат ўз ҳудудида жамиятга салбий таъсир қилаётган ҳолатларни аниқласаю, унга қарши чора-тадбирлар қўлласа, нега бошқа бир мамлакат ёки бошқа бир неча мамлакат иштирокида тузилган сиёсий доира намоёндаларининг юрагида санчиқ қўзғалади? Улар бу ўринда "кўнгиллари оғригани"ни, норозилик кайфиятини бемалол изҳор этади, энг ажабланарлиси, ўзларича шу давлатга қарши жазо чоралари ўйлайди? Аслида ўзларининг бир мамлакатнинг ички ишларига сабабсиз аралашгани (яна шу мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий инқирозидан ўз манфаатдорлигини сездириб турган ҳолатда) — бориб турган ноҳақлик, нодемократик ҳолатнинг, халқаро қонунлар бузилишининг айнан кўриниши бўлса-да, ўз ҳудудида ўз ваколатидан келиб чиқиб салбий ҳолатларга қарши чора кўрганларни, ўз ҳаётини изга солганларни бу тамойилларни бузганлар, деб жар соладилар. Ана шундай важлар билан ҳали у мамлакатга, ҳали бу мамлакатга ташланиб қоладилар, ахборот хуружини уюштирадилар. Бундай ҳолат бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига, хусусан, Андижон воқеалари муносабати билан бўлган турли кўринишлардаги хуружлар орқали яхши маълум.

Яқинда, Россия Давлат Думаси "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги ва "Нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиришларни биринчи ўқишда қабул қилди. Бу зарурият эди ва бу зарурият қонун-лойиҳага қўшиб тақдим этилган тушунтириш хатида изоҳлаб берилганди. Яъни, мамлакатнинг қонунчилик учун мутасадди органи қонундаги ҳар бир ҳолатни мамлакат ва халқ ҳаётига салбий таъсирлардан холи бўлишини назарда тутди. Бу ўзгартиришлар орқали нотижорат ташкилотлар фаолияти назоратида ягона механизм ўрнатиш ва жамият равнақига ҳисса қўшадиган барча субъектлар ривожланишига бир хил шароит — тенг ҳуқуқлар яратиш кўзда тутилди. Шунингдек, унга кўра, нотижорат ташкилотлар, чет эл фуқаролари, Россияда муқим яшамайдиган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаганларнинг улар фаолиятидаги иштироки учун маълум чекловлар жорий этилиши, нотижорат ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш асосларини кенгайтириш, рўйхатдан ўтказувчи органга ташкилотнинг низомий мақсадидан келиб чиқиб, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ҳуқуқини юклаш назарда тутилган. Юридик мақомга эга бўлмаган нотижорат ташкилот ўзининг ташкил этилганлиги ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органга дарҳол хабар бериб, рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни тайёрлаб, тақдим этиши шарт, деб қайд этилади бу ҳужжатда. Демак, шу йўл билан мамлакатда турли кўринишдаги ноқонуний ҳаракатларнинг олди олиниши назарда тутилади, жумладан, "рангли" инқилобларнинг ҳам. Мана, нима ёқмаяпти экан уларга...

"СЕГОДНЯ.ру"да Сергей Спиридонов бу борадаги фикрларни таҳлил қилар экан, шундай ёзади: "Мазкур қонун-лойиҳанинг юзага келиши сабабларини тушуниш қийин эмас. Нотижорат ташкилотларнинг Украина, Грузия, Қирғизистондаги "рангли" инқилобларда, шунингдек, Арманистон, Озарбайжон, Ўзбекистон, Белорусда амалга ошмай қолган уринишларда ҳал қилувчи роли бор эди. Бу воқеаларнинг барчаси айнан нотижорат ташкилотлар томонидан уюштирилган ва бошқариб турилган эди". Муаллифнинг бу фикрига ақлу ҳушини йиғиб олган барча сиёсатдонларнинг қўшилмай иложи йўқ. Кўплаб мамлакатлар ўзларининг инқилобда қайсидир рангда навбатда турганлигини билиб, ўзини бундай сохта "демократлаштирув"дан сақлаш чораларини кўрди. Ҳа, қорнига эмас, қадрига ачинадиган мамлакат ва унинг раҳбарлари шундай йўл тутди. Жумладан, Россия ҳам гарчанд мамлакат ичида "рангли" инқилоб учун шарт-шароитлар сезилмаса-да, бу ҳаракат оқибатидаги кўнгилсизликлардан ўз ҳудудини қўриқлашга ҳақли эди ва бу чоралар айнан шу мақсадга қаратилди. Бу лойиҳадан норозилик кайфияти эса шу кайфият соҳибларининг айни пайтда мақсади қандайлигига янаям ойдинлик киритди. Бу ойдинлик ўзича МДҲ ҳудуди мамлакатларида "рангли" инқилобларни бемалол давом эттирмоқчи бўлган ва бу йўлда нотижорат ташкилотлардан унумли фойдаланиб, уларни моддий қўллаб-қувватлаб турган Ғарбнинг бу қонун-лойиҳадан жазаваси тутганида аниқ кўринди. Қаранг, Буюк Британияда Witton Pavk жамғармаси томонидан ташкил этилган халқаро конференцияда кун тартибидаги масалалардан бири сифатида айнан шу қонун-лойиҳа муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳа учун асосан ғарблик сиёсатдонлар Россияни дунёнинг етакчи демократлари қаторидан чиқаришни ҳам таклиф қилишди. Ана сизга, "демократия олами"даги "демократия". Форин-офис ташкилотининг вакили эса бу қонун-лойиҳа қабул қилинса, ўзлари учун қай даражада хавф туғилишини ҳис қилишга даъват этди ҳаммаслакларини. Тўғри-да, Россиядек катта кучга эга, айни пайтда қатор мамлакатлар ўртасида нуфузга ҳам эга бўлган мамлакатда ўз "инқилоббозлик" таъсирини йўқотиш "инқилоббозлар" учун катта зарба. Бунинг устига бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқаради, деган мақол асли ғарб сиёсатдонлари учун айтилганга ўхшайди. Йўқса, Россиянинг йирик мамлакатлар билан ҳамкорлик борасидаги келишувини ҳам ўзларининг фожеаси деб баҳолашмасди, бу анжуманда.

Россияда "Политика" жамғармаси президенти Вячеслав Никоновнинг таъкидлашича, АҚШда 15 минг нодавлат ташкилот бўлиб, улар бутун дунё бўйлаб кезиб, шу мамлакат сиёсати манфаатига хизмат қилади. Улар бир мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги даражасидан кам бўлмаган ҳолда молиялаштирилади. Хўш, уларнинг мақсадлари хайрлими? Қани эди! Хайрли ишни ким ҳам рад этарди? Уларнинг бу мақсадлари хайрли эмаслигини билиш учун оддийгина кузатувни муқояса қилиш етарли. Айтайлик, ҳар қайси мамлакатда халқ аҳволини биладиган қанчадан-қанча идоралар бор. Улар орқали моддий ёрдам энг муносиб қатламга етиб бориши мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда аҳолига барча турдаги моддий ёрдам ва нафақаларни тарқатиш фуқаролар йиғинига, хусусан, маҳаллаларга топширилган. Бундаги одиллик тамойилларини мамлакатимиз Президенти ҳам эътироф этиб турибди. Ҳукумат, яна қатор саховатпеша ташкилотлар, тадбиркорлар эҳтиёжманд фуқароларга раво кўрган ўз моддий ёрдамларини одилона тақсимлаб, ўз эгасига етказишни шу тизимга ишониб қўйибди. Йўқ, ғарблик "саховатпешалар" ўз маблағларини бундай ишончли идорага ҳам ишонишмайди, тўғироғи, ўз "ёрдамлари"нинг одамларга бундай тарзда етиб боришини исташмайди. Улар одамлар орасига ўзлари бораги ёки ўзлари томонидан "ўқитилган" одамни (уни грант соҳиби дейлик) йўллайди. Чунки мақсад — моддий томондан қийналганларни қўллаб-қувватлаш эмас (агар шундай мақсади бўлса, аввало ўз мамлакатидаги ночорлар ҳам бу мурувватни ялаб-юлқашга тайёр турибди), одамларни мамлакатдаги қонуний тузумга қарши руҳан қуроллантириш. Шу боис улар маблағни асосан тарғиботга сарфлайди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президентининг яқиндагина айтган "Текин пишлоқ фақат сичқонга қўйиладиган қопқонда бўлади", деган ҳазил, аммо жиддий хулоса чиқаришга ундовчи гаплари нақадар ўринли эканлигини эътироф этиш лозим. Демак, мақсадлари — "рангли" инқилоб қилиш, мамлакатни парчалаш, сиёсий, иқтисодий инқирозни юзага келтириш, мамлакат мустақиллигига дахл қилиш... Хуллас, грантлару, мукофотлар фақат мана шу ишлар эвазига. Қаранг, яна улар бундай нопок мақсадлари ижроси учун эшигини очиб қўймаган мамлакат Думасидан хафа ҳам бўлишади. Ишқилиб, бу дейман ғарблик сиёсатдонлар дунёдаги энг оммабоп — "демократия", "инсон ҳуқуқлари ҳимояси" деган сўз ва иборалардан ўз қора ниятларида фойдаланавериб, уларни келажакка салбий, эшитганда ғашга тегадиган ҳолда узатишмаса бўлди эди.

Куни кеча Россия Давлат Думасида мазкур қонун-лойиҳа яна муҳокама этилди. Масаланинг муҳимлиги боис бу муҳокама 21 декабрда давом этадиган бўлди. Ғарб сиёсати Россиядаги бу қонун-лойиҳанинг қабул қилинмаслиги учун тўсиқлар ясаш билан овора. Бу ўринда юқорида айтилган каби тадбирлар билан бирга лойиҳани турли салбий бўёқли сўзлар билан қофиядош қилиб, антоним-синонимларигача топиб, салбийлаштириб ҳам кўришмоқда. Мақсад — бу лойиҳа моҳиятини бутун дунё ҳамжамиятига қора рангда кўрсатиш ва оқибатда ўз қора ниятлари учун Россия эшиклари ёпилмай қолишини тантана қилиш. Мақсад — аниқ, аммо холисликдан номнишон йўқ.

Чори ЛАТИПОВ,
журналист.

Бухоро вилояти

Пичоқчилик — ўзбек ҳунармандчилиги турларидан бири. Айни пайтда ушбу кўҳна касбнинг бардавомлиги жойларда кенг йўлга қўйилган "уста-шогирдлик" анъанаси асосида таъминланаяпти.

СУРАТДА: *Бухоро "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, пичоқчи усталар сулоласи вакили С.Икромов.*

Жиззах вилояти

Танлов

"КЕЛАЖАК ОВОЗИ"

Конституция байрами арафасида бўлиб ўтган кўрик-танлов шундай номланди

Жиззах вилоятида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Унда вилоятнинг барча туманларидан 150 дан зиёд иқтидорли ёшлар тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод, публицистика, ахборот-коммуникация технологиялари, мусиқа санъати, меъморлик, дизайн ҳамда ижтимоий лойиҳалар бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Ўзаро суҳбат, жонли баҳс, ижодий мунозара орқали ғолиблар аниқланди. Улар ҳомийларнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

— Ушбу танлов кенг қамрови ва серқирралиги билан ўзига хосдир, — дейди "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси, танловнинг республика ҳайъати аъзоси Амиркул Каримов. — Ёшларимиз тақдим этган бадиий ижод намуналари, архитектура ва дизайн лойиҳалари, компьютер дастурларини кўздан кечирар эканмиз, уларнинг истеъдодлари ниҳоятда юксак эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Умид қиламизки, ушбу танлов юзлаб фарзандларимиз иқтидорини юзага чиқаришда восита бўлиб хизмат қилади.

Кўрик-танловнинг 20 нафардан зиёд ғолиблари 14-16 декабрь куни ватанимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган финал баҳсларида иштирок этишади.

Д.ТОЖИБОЕВА,
ТДЮИ ўқитувчиси.

Наманган вилояти

ҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ, МАҲАЛЛАДОШ?

Чуст шаҳрининг Мутақиллик маҳалласидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежи биносида қишга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда йиғин раиси Эркинжон Валижонов маҳалла аҳли табиий газ ва электрт энергиясидан қарзларни шаҳарда биринчилардан бўлиб тугаллаганлигини маълум қилди.

— Қишга тайёргарлик масаласи ҳаммамизнинг эътиборимизда турибди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Абдулазиз Баҳодиров. — Бу масала туман ҳокимлигидаги қўшма йиғилишда ҳам кўриб чиқилган. Ушанда тумандаги 64 та маҳаллада истиқомат қилувчи 210 мингта аҳолининг қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган ва махсус штаблар ташкил қилинганди. Тумандаги барча маҳаллаларга, кўп қаватли уйларига туман ҳокимлигининг вакиллари бириктилган.

"Маҳалла" жамғармаси таман бўлинмасининг раёсатида коммунал тўловлардан қарздорликни камайтириш масаласига жиддий эътибор берилди. Қиш пайтида газ ва электрт таъминотидаги узилишларнинг бўлмаслиги учун қарзларни ўз вақтида тўлаш лозимлиги аҳолига тушунтирилди. Ҳар бир маҳалла ва кўчаларга вакиллар бириктирилди. Қарзлардан қутулишда "Қишлоқ хўжаликкимё" бирлашмаси, машина-трактор парки, йўл қурилиши бошқармаси, электр тармоқлари корхонаси, савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаларнинг ёрдамлари катта бўляпти.

Қиш пайтида табиий газнинг озайиб кетиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Шу боис, аҳолига 200 тоннага яқин кўмир етказиб берилди. Унда асосий эътибор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кекса, ногирон ва кўп болали оилаларга қаратилди.

Хуллас, Чуст туманида аҳолининг қиш ойларида қийналмасликлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

Ёнғиндан сақланайлик!

Мана Янги йил байрамига ҳам оз фурсат қолди. Айни пайтда юртдошларимиз ушбу байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш тараддудида. Энг асосийси, бундай қувончли кунларнинг кўнгилсиз ҳодисаларсиз ўтиши ҳар биримиз учун ниҳоятда муҳим.

БАЙРАМДА КЎНГИЛСИЗЛИК БЎЛМАСИН

Маълумки, қиш фаслининг кириб келиши билан ҳаво ҳарорати кескин пасайди. Бундай иқлим шароитида одамларимизнинг қўшимча иситиш мосламаларидан фойдаланишга эҳтиёжи ортади. Натижада айрим фуқаролар билиб-билмай ёки эътиборсизликлари туфайли носоз иситиш асбобларидан, қўлбола ясалган газ ўчоқларидан фойдаланадилар. Таассуфки, ана шундай лоқайдлик кўп ҳолларда ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаяпти. Қолаверса, Янги йил байрамини турли ўйинчоқлар, жимжимадор электр чироқлари билан ясатилган арча қаршисида кутиб олиш аксарият дунё халқлари қатори, юртдошларимиз орасида ҳам анъана тусига кирган. Бироқ баъзи ҳолларда арчани ясатишда эътиборсизлик қилиб хавфсизлик чоралари кўришни унутамиз. Шу боис маслаҳатимиз — бу жараёнда даставвал унинг мустаҳкам ўрнатилганига ишонч ҳосил қилинг. Арчани безатишда давлат стандартларига мос келувчи, кафолатланган электр чироқларидан фойдаланинг. Ундан ташқари, байрам арафасида кенг жамоатчиликдан, ота-оналардан болаларни қатъий назорат қилишлари талаб этилади. Чунки ноқонуний равишда сотувга чиқарилаётган пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида айрим вояга етмаган ёшлар жиддий тан жароҳати олаётгани ҳамда катта ёнғинлар келиб чиқаётгани, афсуски, айни ҳақиқат. Шунинг учун мамлакатимиз фуқароларини эътиборли бўлишга чақирамиз. Зеро, янги йилни фақат яхши воқеалар билан қарши олайлик.

С.МАҒРУПОВ,
Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ командири, майор.

Ҳамкорлик: маҳалла профилактика нозири ва маҳалла фаоллари

Тошкент вилояти

ТАЯНЧ ПУНКТИ ТАЯНЧЛАРИ

маҳалла фидойилари ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига яқиндан кўмак бериб келмоқда

Бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон тинчлик сўзининг мазмун-моҳиятини яхши тушунади, уни қадрлашга, эъзозлашга интилади. Зеро, ўтаётган ҳар бир кунимизнинг, маҳалламиз, хонадонимиз равнақининг кафолати — тинчлик-осойишталикда. Қолаверса, ўн тўрт йил бурун истиқлолга эришган навқирон юртимиз мустақиллигини мустаҳкамловчи асосий омил ҳам ана шу. Шундай экан, бугун Ички ишлар тизими ходимлари зиммасида нақадар масъулиятли, жасоратли ва шарафли вазифалар турганлиги аён бўлади. Ўз навбатида ҳуқуқ-тартибот органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, йиғинлар ходимларининг ҳам бу борадаги ҳиссаси беқиёс. Мухбиримиз Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Ҳурматилла АҲМЕДОВ билан ушбу ҳамкорлик ҳақида суҳбатлашди.

— Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг қамрови кенг. У айни пайтда жамиятда юз бераётган ҳар қандай жараёнга бефарқ муносабатда бўла олмайди. Негаки, ҳозирда фуқаролар йиғинлари маълумотнома ёзиб берадиган идора сифатида эмас, балки одамлар арзу додига қулоқ тутадиган, уларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришда кўмаклашадиган, ҳудудда ривожлантириш ишларини олиб борадиган идора сифатида жамиятда ўз мавқеи ва нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда. Шундай экан, маҳалласини обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилашни ўз олдига мақсад қилган йиғин ходимлари, фаоллари аввало шу ҳудудда осойишталикни, барқарорликни таъминлашга эришишлари лозим. Бу йўлда улар ички ишлар тизими ходимларига энг яқин кўмакчи бўладилар.

Дарвоқе, бугунги кунда юртимизда маҳалла идоралари билан ёнма-ён милиция таянч пунктлари жойлашган. Уларнинг ёнма-ён жойлашишида ҳам маъно бор. Айни пайтда вилоятимизда 314 та милиция таянч пунктлари мавжуд. Уларда фаолият юритаётган профилактика инспекторлари айни пайтда зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларни адо этишда албатта жамоатчиликка таянмоқдалар. Чунки профилактика инспекторлари маҳалла билан ҳамкорликдаги фаолияти туфайли ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги барча фуқароларни, уларнинг юришторишларини, қандай иш билан шуғулланишлари ва оилавий шароитларини жуда яхши билади.

— Ҳурматилла ака, назаримда, ана шундай профилактик тадбирлар орасида ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор қаратиш масаласи устивор бўлса керак?...

— Эртанги кунда комил инсонлар жамиятини қуриш учун бугунданоқ фарзандларимизни соғлом руҳда вояга етказиш ҳақида жиддий қайғуришимиз керак. Биз шу мақсадда маҳаллаларда, таълим даргоҳларида турли давра суҳбатлари, тушунтириш ишларини ташкил этаяпмиз. Шунингдек, умумтаълим мактабларида амалдаги ушбу ўқув йили "Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги йили" деб белгиланган. Бу ҳам вояга етмаган ёшлар устидан узлуксиз назорат ўрнатилишига хизмат қилаяпти. Маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, айниқса, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ўқув масканларида бўлиб, ўсмир-ёшлар билан якка тартибда суҳбатлар уюштирмоқда. Бу ишлар натижаси ўлароқ жорий йилда вилоят бўйича вояга етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан камайди. Бу бевосита ички ишлар тизими ҳамда маҳалла ходимлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик самараси.

— Айни пайтда вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари бугунги кун талабидан келиб чиқиб қандай муҳим тадбирлар ижроси билан банд?

— Жорий йилнинг 14 ноябрдаги вилоят ҳокимининг махсус тезкор профилактик тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги фармойиши ҳамда вилоят ИИБ бошлиғининг махсус буйруғи асосида шу кунларда вилоят миқёсида қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. 15 ноябрдан бошлаб ўтказилаётган мазкур тадбирларда маҳаллалар билан ҳамкорликда ички ишлар идораларида махсус рўйхатда турувчи, бедарак йўқолган, паспорт тизимига амал қилмаётган ҳамда диний оқимларга ва жиноятга мойил шахсларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш; муқаддам судланган фуқаролар ҳамда ёшлар устидан назоратни кучайтириш, қаровсиз уйлар, бинолар, ертўла ва чордоқлар, хонадонларни текшириш, жойларда навбатчиликлар ташкил қилиш, аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини таъминлаш каби белгиланган ишлар бажарилаяпти. Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари ходимлари бошчилигида ўтказилаётган ушбу тадбирларда маҳалла фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар кенг иштирок этмоқда.

Бизга маълумки, яқин кунларда юртдошларимиз Янги йил байрамини нишонлайдилар. Шу муносабат билан байрам арафасида бозорларда, чакана савдода пиротехника воситаларини ноқонуний равишда сотиш ҳоллари кузатилиши ҳеч кимга сир эмас. Бундай воситалардан фойдаланиш оқибатида эса, айниқса вояга етмаган ёшлар турли тан жароҳати олиб, касалхоналарга ётқизилаяпти, майиб-мажруҳ бўлиб қолаяпти. Шу боис ҳозирда вилоят ИИБ профилактика хизмати ходимлари томонидан пиротехника воситалари билан савдо қилиш ва ундан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича жойларда махсус тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг 11 декабрь кунига қадар вилоят бўйича 173 та пиротехника воситалари билан савдо қилган ҳамда 482 та жамоат жойларида бундай воситалардан фойдаланган шахслар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилди.

Шунингдек, айни пайтда вилоят ИИБ мутасаддилари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 13 йил тўлиши муносабати билан эълон қилинган "Амнистия тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан тегишли тадбирларни белгилаб, уни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.

Фанимиз фидойилари

"ШОҲНОМА"ДАН СЎЗ КЕТСА АГАР...

70-йилларнинг ўрталари. Талабалик йилларимиз эндигина бошланиб, бизларга сабоқ бериш учун домлалар бирин-кетин дарсларга кира бошлаган пайт.

Шундай кунларнинг бирида Ҳомиджон Ҳомидий деган домла дарсга кирди. Ҳамма жим. Саломлашгач, у ўзи ўтиши керак бўлган дарс дастурини қисқагина тушунтирди. Бирдан у ҳаяжон ва ўта серҳаракатлилик билан мавзуни тушунтира бошладики, ҳеч ким олдига қўйилган қалам, дафтарга қўл теккизмади. Ҳамма бутун вужуди билан тингларди. Домла ўзининг қизғинлигини бизнинг юракларга ҳам кўчирган эди.

Ҳомиджон Ҳомидий дарсларни завқ билан ўтарди, ғазалларни ўқиганда, уни таҳлил қилганда ёниб гапирарди. Унинг ўтган дарсларида шунчаки хаёл суриб ўтириш ёки бошқа нарсаларни ёзиш билан машғул бўлиш мутлақо мумкин эмас эди. Йўқ, домла ҳеч кимни тергамас, бошқа иш билан бандлигингга ҳам эътибор бермас, балки шундай вазиятни вужудга келтирар эдики, унинг сўзларига қулоқ солмасликнинг иложи йўқ эди-да. У сўзларни машъалага айлантириб айтади, нуктадонликнинг санъатини ўргатади...

Айни пайтда сезилиб турардики, домла адабиётга жуда чуқур кириб борган олим эди.

Биз талабаларни "Шоҳнома"га ошно қилган шу домла. Унинг бу асар ҳақидаги қатор тадқиқотларини яхши бир романдек ўқирдик. Ёки "Авесто" ҳақидаги унинг қатор мақолаларини қайси илм аҳли ўқимаган, дейсиз. Қанча китоблар ёзди, бу орада, лекин барибир домла кўз олдимизда жўшқин булоқдек сўз сарчашмасини ақлимизга қуяётган боғбон каби гавдаланаверади.

Домла билан узоқ йиллар олдин Намангандаги "Чортоқ" санаторийсида учрашиб қолдик. Иттифоқо, сумкамга бўш пайтларда ўқийман деб Фирдавсийнинг "Шоҳнома" китобини ҳам солиб олган эдим. Домла билан ҳар куни учрашиб турамиз ва суҳбат беихтиёр "Шоҳнома"га бориб тақалаверади. Ўшанда домланинг бу асарни нечоғлик мукаммал ўрганганлиги-ю ва қанчалик пухта таҳлил қилишига яна бир бор ишонганман.

У киши бир куни менга:

— Шоир, илмий иш қилмайсизми, яхши бир мавзу бор, — деб қолди.

—Домла, қўйинг, шеъримни ёзиб юраверайин, — дедим.

Домла мийиғида кулиб, "ҳа майли" дегандек яна "Шоҳнома"дан гапириб кетди. Мен бу гапни айтишимдан мақсад, Ҳомиджон Ҳомидий ўз шогирдларига шунчалик устозлик қилмасдан, у билан бирга илм дарёсидан бирга кечишини кўп бора эшитганман. Зотан, устознинг йўллари узун эканлиги шогирдлар умри билан ўлчаниши сир эмас.

Яқинда курсдош дўстимдан, домланинг 70 ёшга кирганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим. Ахир домла биз ўқишни битирганда қирчиллама йигит эди-да, қандай қилиб 70 ёшга кираді, деб ўзим берган саволдан ўзим кулиб юбордим. Ўйлаб кўрсам, орадан 25 йил вақт ўтибди.

Дунёда яхши инсонлар кўп деймиз-у, шу яхшиларнинг яхшилигини кўпам кўз-кўз қилавермаймиз, гўёки кўз тегадигандек. Домла Ҳомиджон Ҳомидий ҳам фан учун, шогирдлар учун катта ишлар қилган камтарин инсон. Ҳали ҳам Тошкент Давлат педагогика университетининг талабаларига сабоқ беради, маърузалар ўқийди. Ҳамон ўша жўшқинлик, ҳамон ўша ғайрат, ўша шижоат.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Сурхондарё вилояти

Ҳокимлик ва фуқаролар йиғинлари

Бандихон — вилоятдаги энг кенжа туман. Унинг ташкил этилганига эндигина 15 йил тўлди. 40 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган туманимизда айни пайтда 5 та қишлоқ, 24 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўрол ЧЎТБОЕВ,
Бандихон тумани ҳокими.

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Айтиш жоизки, истиқлолга тенгдош бўлган Бандихон кейинги даврда катта тараққиётга юз тутди. Айниқса, маҳаллалардаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини, аҳоли ижтимоий турмушидаги юксалишни кўриб кўз қувонади. Мустақиликка қадар тоза ичимлик суви таъминотига мутлақо эга бўлмаган туманимизнинг ҳозирда 70 фоизга яқин хонадонларига истеъмолга яроқли ичимлик суви етиб боради. 60 фоизга яқин аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, маиший бинолар газлаштирилди.

Дарвоқе, жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб белгиланиши аҳоли ўртасида тиббий маданият шаклланишига, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси ва сифати яхшиланишига хизмат қилди. Энг эътиборли жиҳати, ушбу йил муносабати билан қабул қилинган давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда бунёд этилган қишлоқ шифохоналари, врачлик пунктлари сони 10 тага етди. Марказий шифохона қошида замонавий типдаги туғруқ мажмуи ишга туширилди. Шунингдек, 600 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи, 4 та умумтаълим мактаблари бинолари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган.

Бандихон қишлоқ фуқаролар йиғини туман марказида жойлашган. Йиғинга ташаббускор инсон Суюн Эшқобилов раислик қилиб келмоқда. 6 та маҳаллани ўзига бирлаштирган Бандихон қишлоқ йиғини ҳудудида ўтган йили замонавий спорт мажмуи иш бошлади. Қизиғи, йиғин идораси ҳам ушбу мажмуадан ўрин олган. Шу боис, бу ерда ўтказиладиган ҳар бир мусобақа, спорт машғулотлари йиғин мутасаддиларининг жиддий назорати остида. Шу билан бирга, бу ерда 2 та гузар, 10 га яқин маиший хизмат шахобчалари қурилиб, ишга туширилди.

Қизириқ қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида бешта маҳалла мавжуд. Бу ерда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам барчага ибрат.

Туманда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Ер ўзининг ҳақиқий эгасига — фермерларга шартнома асосида бўлиб берилаяпти. Жумладан, Бандихонда ўтган даврда 300 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бунинг натижаси ўлароқ туманда давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаси ошириб бажарилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳам юқори натижаларга эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқ таълими тизимида 2005-2006 ўқув йили "Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги йили" деб белгиланган. Бу жойларда ёшлар таълим-тарбиясига бўлган эътиборнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари мактаб ўқувчилари билан биргаликда турли мавзуларда суҳбатлар, тушунтириш ишларини ташкил этмоқда. Ҳомий ташкилотлар, саховатпеша инсонлар, ота-оналар ва маҳалла кўмагида спорт мусобақалари ташкил этилиб, иқтидорли ёшлар рағбатлантириб борилаяпти. Бундай ҳамкорлик туфайли бандихонликлар орасида спортга иштиёқманд ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда, десак, янглишмаган бўламиз.

Ҳа, Бандихон катта ижобий ўзгаришлар оғушида. Тараққиётга тумандаги ҳар бир соҳа вакиллари, фуқаролар бепарволиги ҳисса қўшаяпти. Энг эътиборлиси, бу хайрли ишлар бошида — маҳаллалар.

Олам турфа

ФАҚАТ 500 ТАСИ ЎРГАНИЛГАН

Дунёда ҳаммаси бўлиб 5621 тил ва шева бор экан. Ҳозиргача шундан атиги 500 тасигина ўрганилган бўлиб, 1400 тасининг эса йўқолиб кетиш хавфи бор. Ҳар уч тилдан битас ёзув шаклига эга эмас. Фақат оғзаки нутқ формасига эга.

ҚАЙСИ ТИЛНИ ЎРГАНИШ ОСОН?

БМТнинг статистика хизмати тўплаган маълумотига кўра, инглизларнинг ўз она тилларини ўрганишлар учун ўртача 8 ой вакт кетаркан. Испанлар эса 2-3 ой сарф қиларканлар холос. Ҳаммадан кўра японларга қийиндир. Улар ҳатто ўрта мактабни битиргандан кейин ҳам она тилини ўрганиш билан шуғулланишади.

ЎҒРИЛАР ЛУҒАТИ

Ногиронлар кичик корхонасида ўғрилар тили бўйича янги изоҳли луғат тузмоқчи бўлишди. Тузувчилар ўзларини сир тутишиб, хатто қалам ҳақларини ҳам ўзгалар орқали олдилар. Қизиғи шундаки, луғат муаллифларининг ҳар бири турли жиноятлари учун камида 10 йилдан қамалиб чиқишган. Бу воқеа Тюменда рўй берди. "Қизиқарли" луғатнинг биринчи ўқувчилари ички ишлар бўлими ходимларидир.

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН МУОЛАЖА

Шарқ тиббиётида игна билан даволаш усули жорий этилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Бироқ у тиббиётда тезда нуфузли ўринларни эгаллаб олишга мушарраф бўлди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, игна санчиб даволаш жуда қадимги муолажа тури эканлиги маълум бўлди. Унинг ўзига хос усуллари милоднинг VI-IX асрларидаёқ ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда эса бу усул дунёнинг 120 мамлакатида қўлланилмоқда.

Жиззах вилояти

Зарбдор туманидаги Сутбулоқ маҳалласи ёшлари бундан 70 йил муқаддам қурилган эски мактаб биносида таҳсил олиб келишарди. Қаровсиз ва хароб аҳволга тушган бу бино вақт ўтиши билан замон талабларига жавоб бермай қолди.

СУТБУЛОҚДА ЯНГИ МАКТАБ

Шу боис, давлат маблағи асосида Сутбулоқда янги мактаб қуриш режалаштирилиб, қисқа муддатда Жиззах "Электромонтаж" масъулияти чекланган жамиятининг Мавлон Қаршибоев бошлиқ бир гуруҳ қурувчилари бунёдкорлик ишларини бошлаб юборишди. Ва ниҳоят жорий ўқув йилида Сутбулоқ маҳалласининг 260 нафар ўқувчи ёшлари Садри Тўрабеков номи берилган 12-мактаб биносининг қурилиши тугалланган асосий қисмида ўқув машғулотларини бошлаб юборишди. Айни кунларда эса 25 та синфхоналардан иборат қўшқават бинонинг қўшимча хоналарини пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, мактаб ҳовлисида ободонлаштириш тадбирлари давом эттирилаяпти.

Сайдулло мулло ҚОЗОҚБОЙ ўғли

Мулоқот: муштарий ва "MAHALLA"

Тошкент вилояти

ТАҲРИРИЯТ ИЖОДКОРЛАРИ ПАРКЕНТЛИКЛАР ҲУЗУРИДА

Халқимизда "Одамнинг юзи иссиқ" деган гап бор. Яқинда паркентлик муштарийлари даврасида бўлганимизда бу гап бежизга айтилмагани яна бир карра аён бўлди. Уларнинг газетага бўлган қизиқиши, ишончи бизга ижодий куч-қувват бағишлади, десак хато бўлмайди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Паркент тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Исломова маҳалла фаоллари билан.

Учрашув Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат ишлари бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси мутасаддилари ташаббуси билан ташкил этилди. Бу тадбир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг республика миқёсидаги нашри ҳисобланган "Mahalla" газетаси ижодкорларига, тумандаги мавжуд фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ходимларига, қолаверса, газета муштарийларига юзма-юз учрашиб, фикр алмашиш имкониятини берди.

Тумандаги фуқаролар йиғинларининг фаолияти ва ҳаёти ҳақида "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Дилмурод Нурматов шундай сўзлади:

— Маҳаллалар ҳаёти жўшқин кечмоқда, маҳалладошлар бунёдкорлик, яратувчанлик кайфиятида ишлаб-яшамоқдалар. Муаммоларимиз ҳам бор, фаолият бусиз бўлмайди. Лекин уларни бартараф этиш учун имкониятларимиз ҳам йўқ эмас. Паркентликлар меҳнаткаш, ғайратли одамлар. Туманимизда деҳқончилик ривож топмоқда, тадбиркорлар, фермерлар учун катта имкониятлар бор.

— Сир эмас, айни кунда замондошларимизда, шу жумладан, паркентликларда ҳам нафақат моддий фаровонлик билан боғлиқ масалалар, балки маънавиий ва маърифий йўналишдаги масалаларга ҳам диққат-эътибор кучли, — дейди туман Маънавият ва маърифат ишлари бўлими раҳбари Тўйчи Дўстмуродов учрашувда. — Бу борада, айниқса, ёшларимиз тарбиясини кўздан қочирмаслик жуда муҳимлигини ҳар бир замондошимиз яхши англаб турибди. Шу боисдан, маърифий-маънавий тадбирларни имкон қадар тез-тез ташкил этмоқдамиз, зеро истиқлолимиз моҳиятини, замон талабини кишиларимиз теранроқ англасинлар, мустақил фикрлашга киришсинлар.

Учрашувда "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Муҳсин Икромов, Обжувоз маҳалласи оқсоқоли Тожихон Йўлдошева, Ойбек номли маҳалла оқсоқоли Раҳим Ҳайдаров ва бошқалар газета муштарийси сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини баён этдилар. Тадбирда тумандаги фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ишини ташкил қилиш борасидаги ишлар ҳақда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Исломова сўзлади.

Йиғин ходими: у ким бўлиши, қандай ишлаши лозим?

МАСЛАҲАТЧИга МАСЛАҲАТ

ёки фуқаролар йиғинларида иш олиб бораётган маслаҳатчилар фаолиятига бир назар

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани маҳаллаларида иш юритувчи маслаҳатчилар тажриба, фикр-мулоҳаза алмашиш учун тез-тез йиғилиб туришади.

Мамлакатимиздаги фуқаролар йиғинлари фаолияти кундан-кун ривожланаётгани, уларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ваколати доираси ортиб бораётгани кейинги йилларда ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан тизим ишига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Ва албатта, тизим ривожида ходимларнинг дунёвий билими, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлиги, маънавий тўкислиги муҳим аҳамият касб этиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шахсан Президентимиз имзолаган ҳужжат асосида маҳалла йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганидан буён бир ярим йилга яқин фурсат ўтди. Бу — янги лавозим масъулияти кўлами, унинг фаолиятини йўлга қўйишда эътиборга молик жиҳатларни аниқлаш, самарасини сарҳисоб, муаммоларни эса таҳлил қилиш учун етарли фурсат. Хўш, бу борадаги таҳлиллар натижасида қандай хулосаларни ясашимиз мумкин?

Энг аввало, бу лавозимга ҳар жиҳатдан муносиб шахсни тайинлашга эришиш масаласи ҳақида тўхталиш жоиз. Маслаҳатчининг фаолиятдаги барча муваффақиятлари ёки камчиликлари негизида ана шу масала ётади. Лавозимнинг номланишидан ҳам маълумки, маслаҳатчи бўлувчидан диний маърифатга оид билим, маънавий-ахлоқий жиҳатдан маҳалладошларига ўрнак кўрсата билиш талаб этилади. Аслида, бу икки ибора орқали маслаҳатчига инсоний комиллик талаби қўйилмоқда. Келинг, ана шу талабни чуқурроқ таҳлил қилайлик. Хўш, диний маърифат деганда нима назарда тутилмоқда? Диний маърифат айрим маслаҳатчилар тушунганидек, диний урф-одатлар, маросимларни ўтказиш тартибини тўкис билиш, ана шу маросимларда Қуръони карим оятлари ва сураларини ёддан айтиш билан маҳалла хотин-қизлари ўртасида олқиш олишдангина иборат эмас. Асло! Диний маърифат урф-одатлар, маросимлар ва муқаддас калималарнинг асл моҳиятини англашда ва ана шу моҳиятни маҳалладошлар онгига сингдира олиш орқали жамиятда соғлом муҳитни рўёбга келтиришда хизмат қилишдан иборатдир. Маҳалла хотин-қизлари, ёшларини дин ниқобидаги ёвуз кучлар таъсиридан асрашга қаратилган ишлар энг биринчи вазифалардандир. Разолат ва ваҳшийликни тарғиб этувчи турли диний оқимлар, хурофот, ақидапарастлик каби иллатларга қарши энг муқаррар қурол бу диний маърифатдир! Афсуски, айни кунда фаолият юритаётган маслаҳатчилар орасида диний маърифат тушунчасининг асл моҳиятини тўлиқ билмайдиганлари ҳам учраб турибди. Маънавий-ахлоқий тарбия йўналишида эса маслаҳатчи фаолияти маҳалла хотин-қизларига одатдаги панд-насиҳатлар, кўрсатмалар тарзида зерикарли бўлмаслиги жуда муҳим. Бу лавозимнинг жорий этилишидан кўзланган мақсад маслаҳатчи фаолияти кўмагида аёлларимизнинг дунёқарашини бойитиш, уларни жамият ҳаётида юз бераётган жараёнларга жалб этиш эканлиги кўп бора эътироф этилмоқда. Шундай экан, маслаҳатчи сиёсат бобида билимдон, ижтимоий илғор, ҳаётимизнинг турли жабҳаларига оид янгиликлардан бохабар, маърифий-маданий тадбирлар ташкилотчиси бўла оладиган даражада фаол, ғайрат-шижоатли шахс бўлишга масъул. Албатта, бир шахсда бирданига шунча фазилатлар намоён бўлмаслиги мумкин. Шу боисдан маслаҳатчи зиммасидаги масъулият кўламидан келиб чиққан ҳолда ўз устида ишлаши, изланиши, ўз дунёқарашини бойитиши баробарида атрофидаги аёлларни, ёшларни ҳам шунга ундай билиши керак.

Албатта, маслаҳатчи фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйишга эришиш мақсадида кўпгина маъмурий-ташкилий тадбирлар, ўқув-услубий-амалий анжуманлар ўтказилаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутахассислари томонидан турли услубий қўлланмалар, намунавий Низом ишлаб чиқилиб, юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларига етказилди. Шунингдек, жамғарма бошқаруви, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган турли соҳа мутахассислари, олимларини ўз таркибига олган махсус комиссия ҳам фаол ишламоқда. Жамғарманинг вилоят, туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан жойларда маслаҳатчилар учун махсус ўқувлар ташкил этилмоқда. Айниқса, маслаҳатчилар ўртасида ўтказилаётган "Энг намунали маслаҳатчи" республика кўрик-танлови янги лавозим фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганишга, ишни намунали ташкил этган маслаҳатчиларнинг иш услубини оммалаштиришга катта ҳисса қўшган тадбирлардан бири бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳар ким ўз ҳаётий ва касбий тажрибаси, комиллик даражаси ва инсоний салоҳияти, қолаверса, у ишлаётган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, имкониятлар доирасида фаолиятини йўлга қўяди. Кўпчилик маслаҳатчилар фаолиятида унинг асли касби билан боғлиқ ишларда, ўша касб йўналишидаги тадбирларда унум, самара яққол кўзга ташланади. Дейлик, соғлиқни сақлаш тизими ходимининг маслаҳатчилик фаолиятида маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аёлларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар асосий ўрин эгаллайди. Ёки тадбиркорликда "суяги қотган" маслаҳатчида маҳаллада кичик бизнеснинг, ҳунармандчиликнинг ривожланишига, уй бекаларини иш билан таъминлашга интилиш катта. Ёхуд асосий фаолияти спорт, таълим билан боғлиқ бўлган маслаҳатчиларимиз ишида ёшлар тарбияси, болалар спортига оид юмушлар намунали йўлга қўйилган ва ҳоказо. Албатта, маслаҳатчи фаолиятини бошлашда ўз касбий кўникмасига суяниши табиийдир. Лекин фаолият давомида фаолиятнинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олишга, бу борада маълум билим ва тажриба орттиришга ҳам аҳамият бериш зарур. Ҳозирча барча маслаҳатчилар бунга тўлиқ эришганлар дея олмаймиз.

Йиғин маслаҳатчисининг энг биринчи ҳамкори йиғин раисидир. Улар том маънода бир-бирига ҳамкор бўлмас экан, ҳар иккисининг фаолияти ҳам ижобий баҳо олмайди. Баъзида оқсоқолнинг "... Энди маслаҳатчининг иши-ку, бажарсин-да..." дегани ёки маслаҳатчининг "Раис ўз масъулиятини ҳам менга юклади-қўйди..." деб норози бўлгани қулоққа чалиниб қолади. Аслида, маҳалла иши умумники. Оқсоқол, маслаҳатчи ва йиғиннинг бошқа ходимларидан талаб — бу умумишини ташкиллаш, унга бош-қош бўлиш. Тўғри, йиғин раиси ва маслаҳатчининг масъулият ва вазифаси аниқ белгиланган, режага солинган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу кўп жиҳатдан ишни осонлаштиради. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг ҳамкорлиги, жипслиги фойдадан холи эмас. Қолаверса, маслаҳатчилик нисбатан яқинда жорий этилган лавозим. Шу нуқтаи назардан ҳам маслаҳатчи фаолиятида оқсоқолнинг ташкилий-маъмурий масалалардаги кўмагига муҳтожлик сезилиши турган гап.

Юқорида таъкидланганидек, йиғинларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий равнақида, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган маҳалладошларнинг кундалик турмушида маслаҳатчи иши ниҳоятда зарур ва ўз ўрнига эга. Маслаҳатчи ўз номи билан — маслаҳатчи. У нафақат йиғин раисининг, балки ҳар бир маҳалладошининг ҳозиржавоб маслаҳатгўйига айланиши шарт. Бу фаолият шунчалик кенгқамровли, кўп қиррали-ки, замон билан ҳамнафас, давр билан ҳамқадам бўлолмаган, мудом изланишда давом этмаган одам унга қандай шарт-шароитлар яратиб берилмасин, ушбу вазифани тўлақонли адо этолмайди.

Арофат ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси
республика бошқаруви бош мутахассиси;
Мавлуда ҚОСИМОВА,
журналист

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Тарих тилсими

"УШИДА, УШИДАРНА"

ёки "Авесто"даги тоғлар тавсифига бир назар

Ёрмуҳаммад тарих қатидан тилсимлар излаб юрган ижодкор. "Ушида, Ушидарна" достони баҳонасида мен ҳам у шўнғиб юрган оламларга шўнғидим. Шу баҳонада тарих тилсимлари ҳақида азиз газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдим. Қуйидаги фикрларим янги достон борасида эмас, достондаги мавзу ҳақидадир. Дарвоқе, "Ушида, Ушидарна" номи билан достоннинг аталиши андак изоҳталабдир.

"Ушида", у билан ёндош "Ушидарна" атамалари аслан "Авесто" китобига хос. "Авесто"нинг Замяд Яшт алқовини ўқиш орқали Ёрмуҳаммад Ҳазрати Султон чўққиси ёнидаги мўъжизавий Ясси қоятош майдонни унда таърифланган Ушида, Ушидарнага қиёс қилади ва сўнгра нисбат беради. Яна бир маъно шуки, Ушида, Ушидарна тоғлари "Авесто"да Шарқ томонда энг чеккада жойлашган чўққилар деб тушунилади. Айни ўша чўққилар ортидан абадий нур, ёлқин манбаи қуёш ҳар куни бош кўтаради ва унинг учқур отларга қиёс қилингувчи нурлари бир зумда эзгу дунёнинг барча бурчакларига етиб бориб зулматни бартараф этади, борлиқни яшнатади. Энди ушбу манзарани Шаҳрисабз, Китоб кенгликларидан туриб кузатилса, айни "Авесто" тасвиридаги ҳайратомуз ва дилни лол қолдирувчи ҳолатни кўриш мумкин.

Ҳа, албатта, Ёрмуҳаммад "Ушида, Ушидарна" чўққиларини ўзи эъзозлаган тоғларга нисбат бериши унинг бадиий мушоҳадасига, қолаверса, ижодий эркига ҳавола. Лекин "Авесто" китобида, унинг "Хварно" ("Замйад Йашт") алқовига киритилган банддан иборат тоғлар ҳақидаги қадимий достон қолдиғи ҳақидаги айрим мулоҳазаларни билдириш ўринлидир.

"Авесто"да кўрсатилишича, Ахурамазда яратган эзгу дунёни, яъни Хванирата атрофини 2244 тоғ ўраб туради. Уларнинг энг улуғвор ва муқаддаслари эса "Замйад Йашт"да атаб кўрсатилади. Мана уларнинг матндан ажратилган рўйхати: Харати, Зэрдаза, Мануша, Ушида, Ушидарна, Эрзифйа, Эрэзура, Бумийа, Раодита, Мазешва, Антар Даҳйу, Эрэзиша Ватигайсйа, Адарана, Байана, Ишката, Упаре Сайена, Хаманкуна, Вашана, Видвана, Аэзахан, Маэнахан, Ахэдрика, Асайа, Тутадка, Вишава, Сайеривант, Дарашишва, Сичидава, Ахурана, Раэмана, Ашастамбэна, Асинавант, Фрапайа, Удрийа, Раэванта.

Бу рўйхат орасидаги номларнинг кўпчилиги луғавий, этимологик маъно асосларидан узилиб, ҳозир эркин изоҳланиши қийин ҳолга келган. Гап шундаки, "Авесто"да акс этган тил жуда қадимий — оғзаки айтув анъанаси камида 3-5 минг йилга тенг. Шунинг учун мутахассислар "Авесто" китоби ёзиб олинган даврда унинг тили "ўлик" ҳолда бўлган, деб ҳисоблашади. Хўш, нега унда "Авесто"ни ҳар бир дарв ўз даврига мослай қолмаган, деган савол туғилмайдими? Бундай саволга ўрин бордек кўринади. Лекин зардуштийлик анъанасига кўра, "Авесто" муқаддас илоҳий ваҳий сўз, деб тушунилган ва унинг тилини бирор тарзда ўзгартириш мумкин бўлмаган.

Айни шу сабабли ҳам "Замйад йашт"нинг тоғлар номлари асл қадимий кўринишида "Хварно" йашти бош қисмига киритилган ҳолда бўлса-да, сақланиб қолган.

Юқорида келтирилган тоғ номларидан бир қанчасини тахминий бўлса-да изоҳлаш имкони бор. Бу ҳақда авестошуносликда айрим фикр-мулоҳазалар учрайди. Улар ҳақида мулоҳазаларимизни айтиб ўтамиз:

Зэрэдаза — "Юрак, дил" маъносига эга ҳинд-оврупо сўзи ўзагига мансуб исм. Буни форсий "Авесто" нашрида "Ишқий" деб берилган ва Асқар Маҳкамнинг ўзбекчага таржимасида ҳам "Ишқий..." деб қайд этилган. Зараутсой бўйлаб жойлашган тоққа нисбат бериш мумкиндек кўринади. Мануша тоғи "Одам тоғ" демакдир. Нурота тизимларининг бир қисми ҳозир ҳам Мануштов деб аталади. Ушида "Шарқий тоғ, тонготар тоғ" маъносига эга. Харатти тоғини "Авесто" энг юксак тоғ деб, қуёш осмонга чиқиб келувчи нуқтадаги чўққига нисбат беради. Маъбуд Митра қуёшни айни шу чўққида кутиб олади ва унга ҳамроҳ бўлиб осмон узра етаклаб олиб ўтади. Харатти номига Хартанг тоғ номи уйғундек туюлади.

Хаманкун—Ургут тоғларининг бир қисми. Тахта қорача давони жойлашган тизма каби ҳис қилинади. Тахмин учун нобоп бўлса-да, Омонқўтон номида қандайдир трансформация бордек кўринади. Антар дахйу — "Мамлакат, юрт ичидаги тоғ" демакдир. Агар буни маълум географик маконнинг ўрталиғидаги тоғ деб тушунилса, Фарғона водийсининг шимолида Тяншаннинг кунгай томонига нисбатан тахмин этиш мумкин. Раодита атамаси авесто тилида "қўнғир" маъносига эга ўзакдан ясалган. Ўзбекистонда Қўнғиртов номли тоғни унга қиёс қилиш мумкин. Эрзиша — "баланд, тик тоғ" демакдир. Буни осмонга интилган тик тоғ маъносида Тангри тоғ — Тяншанга нисбат бериш маъқулдир. Чунки қадимий туркий тил тангри сўзини "Осмон" деб тушунган.

Ватигайсйа — Туркманистоннинг жанубидаги Бадхез адирликлари номида бу атаманинг аниқ изини кўриш мумкин.

"Авесто"нинг бир ўрнида Хукарйа тоғ чўққиси ҳақидаги гап боради. Бугунги кунда бу чўққининг номи тоғ тизмасининг Оқтов тармоғидаги Ҳувкалла чўққисида сақланиб қолган. Сўзнинг этимологиясида ху "яхшилик, эзгулик", карйа "яратувчи, ясовчи" маънолари бирикмасини кўриш мумкин.

Ушидарна — икки қисмдан иборат тузилма: Ушида — "тонгга тегишли, шарқий", арна — "майдон, текислик, кенглик" маъносини англатади. Бу маъно Ҳазрати Султондаги ясси текислик кўринишидаги қояга нисбат берилса ажабмас.

Хулоса қилиб айтганда, Ёрмуҳаммаднинг "Ушида, Ушидарна" достони элда азиз маконнинг, муқаддас қадамжонинг шоир кўнглидаги эъзози ифодасидир.

М.ИСҲОҚОВ,
профессор

Болалик туйғуси

UKALARIM

Ukalarim tirishqoq,
Lek salgina urushqoq.
Konfetga talashadi,
Yana deb so'rashadi.
Bir-birini surishadi,
Yana tez-tez urushadi.
Bir pas o'tib yarashadi,
Quvnab-quvnab kulishadi...

КАРАЛАК

Kapalak, hoy kapalak,
Qanotlari pirpirak.
Sen qo'nasan gullarga,
Quvonch berib dillarga.
Kapalak, hoy kapalak,
Qanotlari kamalak.

Дилафрўз ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳридаги
307-мактаб ўқувчиси.

Ҳикоя

ЙЎҚОТИШ

Ҳалима Юсупова юртимизда кўпчилик учун таниш чеҳралардан бири. У кўп йиллар Ўзбекистон телевидениесида сухандонлик қилиб, юртимизнинг ҳар бир хонадон аҳли билан кунда, кунора "саломалик" қилиб турган. Шунингдек, унинг халқимизга аталган бошқа туҳфалари ҳам бор. Унинг ҳикоялари мамлакатимиз нашрларида босилиб туради. У "Йўлларингнинг ҳилоли бўлай" деб номланган китоб муаллифи.

Гулчеҳра бугун телефон қўнғироғи туфайли ўрнидан туришга мажбур бўлди. Дам олиш куни эмасми, ўрнидан туришга унчалик шошилмаётганди у. Эринибгина бориб телефон гўшагини кўтарди.

— Гули, тез телевизорингни қўй! — дугонаси Лобарнинг овози эшитилди гўшакдан.

— А!? Нимага? — табиийки Гулчеҳра ҳеч нарсани англамади.

— Нега, тушунмайсан, биринчи каналда даданг чиқяптилар, даданг!

Гулчеҳра шошилиб телевизорни ёқди. Чиндан ҳам экранда дадаси. Пўрим кийиниб олган. Хушрўйгина қиз унга савол беряпти. Нуфузли мартабага эга дадаси табиатига хос босиқлик билан фикрини шошмасдан дона-дона қилиб баён этяпти. Гулининг хаёли олислаб кетди...

Негалигини ўзи ҳам билмайди-ю, кўп йиллар давомида шаклланган дадаси билан фахрланиш туйғуси ҳамиша унга таянч, ҳам юпанч бўлиб келган.

Аслида-ку... яъни унинг ҳаётида дадаси билан боғлиқ рўй берган воқеалар сабабли бу туйғу бошқача, яъни аксинча бўлиши мумкин эди. Чунки... онаси билан дадаси ажрашишганда Гулчеҳра жуда ёш эди. Онаси бошқа турмуш қилмади. У онасининг бирон марта бўлсин дадасидан нолиб ёки хафа бўлиб гапирганини эслай олмайди. Дадаси бир гал... тўғрироғи биринчи ва охирги марта келганида олиб келган пахмоқ айиқча ҳамон уйининг тўрида турибди. Дадаси суйиб эркалаганида, димоғига ёқимсиз ароқ ҳиди урилгани эсида. Кейин дадаси бошқа... ҳатто тўйида ҳам келмади. Лекин ҳар йили туғилган кунида, байрамларда қизини табриклашни унутмади. Негадир унга аталган совғани онасининг ишхонасига ташлаб кетарди. Онаси эса, даданг сени табриклади, дея совғани бериб бағрига босарди уни. Гулчеҳра дадасининг нега келмаслиги ҳақида кўп ўйлар, шу ҳақда онасидан сўрабсуриштиргиси келарди. Лекин бу савол жавоби ортида қандайдир кўнгилхираликлар бордек туюларди негадир. Ҳар ҳолда онасининг бу саволдан чўчиб тушишини сезиб турарди. Кейин дадасининг бошқа оиласи, ўғил-қизлари борлигини эслаб, ўзини овутарди. Онаси Гулчеҳра билан ёлғизликда яшаган дардли кунларини дадаси билан ўтказган тотли онларини ҳикоя қилиб енгди. Бора-бора бу ҳикоялар унинг қалбида дадасини энг яхши инсон қилиб гавдалантирди. Қолаверса, дадаси машҳур санъаткор, ҳамма буни яхши биларди.

Гулчеҳра онаси айтиб берган ҳикоялар таъсирида ўртоқларига дадаси ҳақида янги-янги эртаклар тўқир, бунга ўзи ҳам ишонарди. Бу эртакларга фақат раҳматли эри ишонмай кетди.

— Кўпам бошни қотирма, хотин! — дер эди эри унга.

— Ўғлимизнинг ҳам миясига қуявермa, "бобонг ундоқ, бобонг бундоқ", — деб.

Эри шундай деса-да, у барибир билганидан қолмади. Ўзи яратган дадасининг тимсоли катта бойлик эдики, у асло ўғлининг бундан бебаҳра ўсишини истамасди.

Телевизордаги суҳбат, тўғрироғи суҳбат мавзусининг ўзгариши Гулчеҳрани сергаклантирди.

— Айтинг-чи, фарзандларингиз ҳам санъат йўлини танлашдими?

Гулчеҳранинг вужуди қулоққа айланди. Телевизорга яқинроқ борди.

— Тўнғич фарзандим Фирдавс...

Гулчеҳра қалқиб кетди. Наҳотки, наҳотки унинг тўнғич фарзанди мен эмасман?

— ... изимдан кетди, санъат йўлини танлади, қизим Наргиза бўлса...

Гулчеҳранинг қулоғига бошқа гап кирмай қолди. Кўзлари телевизор экранига тикилса-да, кўзи ҳеч нарсани кўрмасди. Бир лаҳзада бор бойлигини йўқотгандек эди гўё. Беихтиёр кўзлари олазарак бўлди. Шу гапларни ишқилиб онаси эшитмасин-да! Қон босими бор, кўтарилиб кетса борми...

Хайрият, ўғли эшитмади. "Тоза чўпчак тўқиган экансиз-да, ойижон!, — деган бўларди ҳозир. Даданг чиқяпти, деб суюнчилаган дугонаси Лобар шу тобда нима деб ўйлаяпти экан?! Бошқалар-чи?!

... Гулчеҳранинг кўзлари ёшга тўлди, кўксидаги орзу-армонлари афсус-надоматларга айланиб, кўз ёш бўлиб, тўлиб-тошиб дувиллаб оқиб туша бошлади.

Суҳбат ҳам тугади. Экранда бошқа бир хонанда куйлаяпти: "Дўстлар, бари ўткинчидир, ўткинчи..."

Ҳалима ЮСУПОВА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)
Ушалмас орзу ва мақсадларга вақтингизни сарфлаш ўрнига тугатилмаган юмушлар билан банд бўлганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни кунларда молиявий масалалар юзасидан музокараларга киришмаганингиз маъқул. Дам олишни унутманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда манманлик иллатига учрашингиз мумкин. Бу эса оила аъзолар, ҳамкорларингиз билан муносабатни кескинлаштиради.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда ишингизга жиддий киришишга тўғри келади. Раҳбарингиз билан муносабатда меъёрни билишингиз керак.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Таваккал қилишга шошилманг. Унутманг, сарҳисоб қилинмаган режалар кўпгина йўқотишларга олиб келиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда кўчмас мулк билан боғлиқ муаммолар ечимини изламанг, натижаси сиз истагандек бўлмаслиги мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда турли вазиятларда ҳам ақл билан иш кўра олишингиз сизнинг ютуғингиз эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Жиддий ва муҳим бўлган юмушлар ечимини кейинроққа қолдиринг ва айни кунларни оила аъзоларингиз муаммоларига бағишланг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда молиявий қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар ҳам вақтингизни олади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда сизни бирон бир ишни амалга оширишда қўрқув ҳиси қамраб олиши мумкин. Уни бартараф қилиш иродангизга боғлиқ.

КОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда юзага келадиган вазиятлар дўстларингиз билан келишмовчиликларга олиб келишидан эҳтиёт бўлинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ишга масъулият ва эътибор билан ёндошмаслигингиз ҳамкорлар билан турли келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Тошкент шаҳар Оксоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими Чилонзор тумани Тинчлик маҳалласи оксоқоли Ботир Ҳусановга падари бузруквори **ҲУСАН ота**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти ижроия маҳкамаси, туман бўлинмаси "Маҳалла" жамғармаси Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Искандар Қурбоновнинг волидаи муҳтарамаси **ОЙИМХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)
(нашр номи) | Комплектлар сони
йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ
п.в. | жойи | 148 (нашр кўрсаткичи)
Mahalla (нашр номи)
Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони
_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)
Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ЭЪЛОНЛАР!!!

Компания Impro Invest LLC расположенная по адресу Portland, Oregon 97225, USA планирует приобрести в собственность простые безналичные акции в размере не более 35% от уставного фонда следующих акционерных обществ:
1. "Узбекиммаш" г,Чирчик ул. Менделеева дом 8
2. "TANSIQ-NON" г,Ташкент ул.Чехова 1
3. "YUQORI-CHIRCHIQ MTP" Таш.обл. п.Янгибазар ул.Бахор 1

Контактный телефон: 133-74-50

ОАО ИК «AGROPROMBIZNES», находящиеся по адресу: г.Ташкент, Мирабадский район, пересечение ул. Мавароуннахр и пр. Мавароуннахр, имеет намерения прибрести простые именные безналичные следующих акционерных обществ:

№ п/п	Наименование ОАО	Адрес	Количество акций, шт.	Доля от УФ, %
1	«Узбекиммаш»	Таш. обл. г.Чирчик ул.Менделеева 8	37 700	34,9
2	«YUQORI-CHIRCHIQ MTP»	Таш. обл. п.Янгибазар ул.Бахор 1	129 532	34,9
3	«TANSIQ-NON»	г.Ташкент ул.Чехова 1	90 000	34,9

ООО "SUPRIME TRADE" извещает об изменении размера уставного фонда на основании решения протокола собрания учредителей общества №5 от 02.12.2005 г., согласно которому размер уставного фонда составил: 9 600 000 сум.

Утеренная круглая печать выданное ЧП "Гиясов Фазлиддин Джураевич" Юнусабдского района считать **недействительным.**

Ф/Х "ASAT-KAMOL" Кибрайский р-он, Ташкентской обл, извещает об уменьшении уставного фонда с 36050000 сум до 100000 сум.

Тошкент Давлат Университети "Ўзбек филологияси" бўлими томонидан Мусаева Камола Асатиллаевна номига берилган ПВ № 826060 рақамли 22799 а рўйхат рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

"DILMIR-GOODS" ХК "DILMIR-GOODS" МЧЖга айлантирилади. Манзил: У.Юсупов кўчаси 119-уй

Юнусобод тумани 80-сонли ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Степанян Эллина Юрьевна номига берилган Д 469051 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошка боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошка конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelsinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон КЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

6909 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222
2 3 4 5 6
Топширилди — 21.00